


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҒАФУР ГУЛОМ УЙ-МУЗЕЙИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



**«АДАБИЁТ ВА ҲУҚУҚ УЙҒУНЛИГИ: ҒАФУР ГУЛОМ
ИЖОДИДА ИНСОНПАРVARЛИК, ОДИЛЛИК ВА МЕХР-
ОҚИБАТ МАСАЛАЛАРИ»
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ**

2020 ЙИЛ 15 ИЮНЬ

*Гунча очилгунча ўтган фурсатни
Каналак умрига қиёс этгулик,
Баъзидабир нафас оғулиқ муддат
Минг юлдуз сўниши учун етгулик..
Лизз агримизнинг ализ онхарий
Азиз одамлардан сўрайди Қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дағтарин.
Гафур Гулом*

| ТДЮУ, Сайлгоҳ 35

«АДАБИЁТ ВА ҲУҚУҚ УЙГУНЛИГИ: ҒАФУР ГУЛОМ ИЖОДИДА ИНСОНПАРВАРЛИК, ОДИЛЛИК ВА МЕХР-ОҚИБАТ МАСАЛАЛАРИ» МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ, 2020

Сўнгги йилларда миллий адабиётни ривожлантиришга, мумтоз ва замонавий адабиётимиз дурданаларини чукур ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор каратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюриб, у ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Президент Адиблар хиёбонини бутун халқимиз, айниқса, ёшлар учун том маънода адабиёт, маънавият ва тарбия масканига айлантириш, ушбу мажмуадан янада самарали фойдаланиш, у ерда ўрнатилган ҳар бир адаб ижодини чукур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида боғда адабиётимизнинг атоқли намояндалари хотирасига ўрнатилган ҳайкалларни олий таълим муассасаларига бириктириш таклифини билдирилдилар. Тошкент давлат юридик университети ўзбек адабиётининг забардаст вакилларидан бири Ғафур Гулом ҳаёти ва ижодини чукур ўрганиш ҳамда аҳоли айниқса ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолда, Тошкент давлат юридик университетида Ғафур Гулом уй-музейи билан ҳамкорликда 2020 йил 15 июнь куни “Адабиёт ва ҳуқуқ уйғунлиги: Ғафур Гулом ижодида инсонпарварлик, одиллик ва меҳр-оқибат масалалари” мавзусида республика онлайн конференцияси ўтказилди. Куйида масофавий конференция материаллари тақдим этилади. – Т.: ТДЮУ, 2020.

Тўпловчилар:

**Азиза Арипова – ф.ф.н. (PhD), доцент
Нодир Рамазанов – ф.ф.д.**

**Орифжон Чориев – ўқитувчи
Элёр Хонназаров – ўқитувчи**

Тахририят аъзолари:

**Гулнора Гулямова - ф.ф.н., доцент
Шаҳноза Зиямуҳамедова - доцент
Азиза Арипова - ф.ф.н. (PhD), доцент
Нодир Рамазанов - ф.ф.д.
Насиба Ниязова – ф.ф.н., доцент
Дурдана Расулмуҳамедова - ф.ф.н., доцент
Насиба Бозорова – ф.ф.н., доцент
Нозима Юлдашева - ўқитувчи**

МУНДАРИЖА

КИРИШ СЎЗИ.....	3
О.Ахмедова БҮЮК КИТОБСЕВАР	6
И.Ҳақкул АДАБИЙ АНЬАНА – ИЛҲОМ ВА ВИЖДОН ТАМАЛИ	13
Л.Илҳомжонов БИР АСАР ТАРИХИ	18
Р.Қўчкоров УЗИЛГАН БИР КИПРИК АБАД ЙЎҚОЛМАС	22
У.Ҳамдамов ЯНГИЛАНГАН ИЖТИМОИЙ ВОҚЕЛИК ВА ПОЭТИК ИДРОК	27
Л.Шарипова ҒАФУР ҒУЛОМ – МУТАФАККИР ШОИР	32
Ш.Саматов ҒАФУР ҒУЛОМ МАЊАВИЯТИДА МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК ФОЯСИ	38
Г.Гулямова, Ш.Зиямуҳамедова ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ “МЕНИНГ ЎҒРИГИНА БОЛАМ” ҲИКОЯСИ ЛЕКСИКАСИ БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР.....	47
Ш.Ахмедова МАКТУБЛАРДА ҒАФУР ҒУЛОМ ОЛАМИНИНГ АКС ЭТИШИ	49
А.Арипова ҒАФУР ҒУЛОМ АСАРЛАРИ – УЛКАН МЕРОС	55
С.Акобирова ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ “ТУРКСИБ ЙЎЛЛАРИДА “ШЕЪРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА	59
Д.Расулмуҳамедова РУХИЙ ЭРКИНЛИККА ЙЎҒРИЛГАН АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ	68
Н.Бозорова “ШУМ БОЛА”ДАГИ ЭПИЗОДИК КИНОЯ ҲАҚИДА	73
А.Ҳасанов ҒАФУР ҒУЛОМ АСАРЛАРИ ЛЕКСИКАСИДАГИ БАЪЗИ СЎЗЛАР ХУСУСИДА	76
Ф.Усмонова ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДИДА ХАЛҚ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ	80
О.Йўлдошев ҒАФУР ҒУЛОМ СИЙМОСИГА НАЗАР	84
Р.Матенов, Г.Уразова ТЕМА УЗБЕКСКОЙ КУЛЬТУРЫ В РАССКАЗЕ ГАФУРА ГУЛЯМА «ВОРИШКА».....	87
Д.Ўсарова ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДИДА ТАРЖИМА САНЪАТИНИНГ РОЛИ	89
У.Пулатова ОСОБЕННОСТИ ЛИРИКИ ГАФУРА ГУЛЯМА	92
М.Каримова ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИ – УМР ДАРСЛИГИ	95
М.Шамситдинова БҮЮК ЁЗУВЧИ ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДИДА ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ ЎРНИ ВА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ	100
Н.Ниязова РАЗВИТИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ВКУСА СТУДЕНТОВ НА ПРИМЕРЕ ТВОРЧЕСТВА ГАФУРА ГУЛЯМА	103
Д.Зойирова ИНСОНИЙЛИК ТАРАННУМИ	106
В.Мамадаюрова ҒАФУРОНА МАҲОРАТ СИРЛАРИ	108
М.Ахмедова ГАФУР ГУЛЯМ – ПИСАТЕЛЬ-ПЕРЕВОДЧИК	112
М.Мирзаҳмедова ҒАФУР ҒУЛОМ ШЕЪРИЯТИДА МАЊАВИЙ ОЛАМГА ОИД ТУШУНЧАЛАР	115
У.Хайдарова MANIFESTATIONS OF ARTISTIC ESTHETICS OF GAFUR GULYAM IN THE WORKS OF TRANSLATION	118
Б.Ёриев, Л.Мухторова ЗАМОНГА ҲАМНАФАС ШОИР	122

Ғафур Гулом жамиятда юз бериб турган вазиятни образлар орқали мохирона тасвирлаганини тан олишга тўғри келади.

Демак, қайноқ ва мураккаб даврдаги шеърият жамиятни ҳаракатга келтираётган ғояларни тараннум этар экан, шиддат билан ижтимоийлаша борди. Натижада янги ўзбек шеъриятида “ижтимоий поэзия” деган тушунча барқарорлашди. Унинг ilk гўзал намуналари Фитрат, Ҳамза ва Чўлпон каби жадид шоирлари ижодида учраса, навбатдаги қўтирилиши ва сайқал топиши Ғафур Гулом ва унинг авлоди шеъриятида юз берди.

ҒАФУР ГУЛОМ – МУТАФАККИР ШОИР

*Лайло Шарипова,
Бухдуд доценти, филология фанлари доктори*

Истиқлол шарофати билан адабиётшунослигимиз ҳар бир давр адабиётини, ҳар бир ижодкор ижодини қайта назардан ўтказа бошлади. Янги тадқиқ ва талқинларнинг юзага келаётгани, асарнинг ғоявий жиҳати билан бирга бадииятига ҳам жиддий эътибор қаратилаётгани муҳим. Шу маънода Ғафур Гулом ижодига ҳам янгича назар билан ёндашиб, тадқиқотлар яратган олимларимиз талайгина. Адабиётшуносларимизнинг катта авлоди вакили сифатида академик Б.Назаровнинг “Ғафур Гулом олами” монографияси[1.] улуғ шоир ва носир ижодининг аҳамиятини чуқурроқ, тўқисроқ англашимизга қўмак берган бўлса, устоз фольклоршунос, болалар адабиётининг жонкуяр тадқиқотчиси О.Сафаровнинг “Замонлар тонгининг чароқларисиз” номли қўлланмаси [2.] шоирнинг ўзбек болалар адабиёти тараққиётига қўшган хиссасини тўғрироқ идрок қилишимизга имкон беради. Ғафур Гулом – мутафаккир шоир. “Мутафаккир” сўзи чуқур фалсафий фикрлай оладиган кишига нисбатан ишлатилишини инобатга олсак, бу сўзни барча ижодкорларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Нега Ғафур Гуломга нисбатан қўллаш мумкин? Биринчидан, шоир жуда истеъододли бўлиб, бадиҳагўйлик фазилати уни безаб турган. Шоир илҳом изламаган, аксинча, илҳом Ғафур Гуломнинг бўш қолишини, уни чорлашини кутиб турган. Қалами ўткир шоирлар истаган вақтларида, истаган нарса ёки ҳодиса ҳақида шеър бита олишганини инобатга олсак, бунга ишониш мумкин. Даил сифатида Шукруллонинг “Жавоҳирот сандифи”, Сайд Аҳмаднинг “Назм чорраҳасида” асарларини ўқиши кифоя. Иккинчидан, Ғафур Гулом фольклорни, дунё, жумладан, Шарқ мумтоз адабиётини чуқур билган. Бундай ижодкорларнинг ҳар бир асари фалсафий

теранлик касб этиши мумкинки, шоир ва носир саналган Fafur Fulom ижодида бундай хусусият бор. Учинчидан, Fafur Fulom ўзбекнинг етук шоири сифатида дунёнинг турли томонидан Ўзбекистонга келадиган талантли инсонларни, кўпроқ шоир ва олимларни кутиб олган, меҳмон қилган, асосийси, ўзбекнинг адаби мутафаккир инсон эканини кўрсата билган. Тўртинчидан, шўро мафкураси қаттол қиличини қайраб, фақат ўз манфаати йўлида талантларни ишлатган паллада Fafur Fulom халқ манфаатини ҳимоя қила олган. Шўро қалам хақини тўлаш орқали, турли шароитлар яратишлар эвазига ижодкорларни пахтакор, пиллакаш сингари меҳнат ахли ҳузурига юборар экан, ижодкор тафаккуридан фойдаланиб, ўз мавқенини мустаҳкамлаган. Бу жуда натижали сиёsat бўлган. Fafur Fulom давлатнинг топшириқларини бажарган, чунки у ҳам ўз даври шоири. Аммо даврбоп шеърлар билан бирга асрлар ошиб ўта оладиган, халқнинг маънавиятини, бадиий дидини юксалтирадиган асарлар ҳам битиб, Ҷўлпон ҳамда Абдулла Ориповлар орасидаги мустаҳкам кўприк бўла билган: шеъриятимизнинг, насримизнинг анъаналарини бир авлоддан иккинчи авлодга етказа билган. Бундай фикрларни кўплаб келтириб, Fafur Fulomning мутафаккир шоир эканини узоқ далиллаш мумкин. Биз болаларга бағишлиб ёзган баъзи шеърлари орқали исбот қилишга интилмоқчимиз.

Fafur Fulom – донишманд шоир. У давр тўс-тўпирларидан омон ўта олиш, устозлари, айrim сафдошлари каби жабр кўрмаслик мақсадида давр мафкураси учун муҳим сўзларни либос қилиб, аслида халқ дардларини қаламга олган. Шундай шеърлари борки, бугун битилгани каби оҳори тўкилмаган, ҳар бир сатри бугунимизга ҳамоҳанг. "Чирой" шеъри мисолида фикримизни асосласак: шоир "болалар қўлида кир қўғирчоқ" бўлишга рози, аммо "ваҳшийлар қўлида ифлос пичоқ бўлишга" асло рози эмас. Бу болалар – "Эндиғи минг йилнинг зўр камарбанди", шоир "Истаган тоғингни этайин гард-гард" деб, "Улуғ Шарқ халқининг азиз фарзанди" учун ҳамма нарсага тайёр. Шеър якунига дикқат килинг:

Бахтим баланд бўлди бутун умримда,
Атлас замонамда мукаммал чирой.
Ёқимли жамолинг ўнгим, фикримда,
Ўзингдан, ақлингдан минг бор ўргилай [3. 96.].

Fafur Fulom ёшларнинг юрт эгалари бўлишлари учун жон койитган, уларни ғафлат уйқусидан уйғота оладиган шеърлар битишга интилган. Унинг шеърлари тараққиёт қонуниятларини чуқур англаган файласуф шоирнинг қаламидан тўкилган. Болалар юрт келажаги эканлигини англаган шоир уларга қайта-қайта мурожаат қилган:

Сизга атаб, болалар,

Бир шеър ёзмоқчиман.

Күнгил ичкарисидан

Булоқлар қазмоқчиман (3.12.).

Бир умр халқ ичида юрган Ғафур Гуломнинг вужуд-вужудига, руҳиятига халқона оҳанг сингиб кетганки, аксарият шеърларида бу ҳол сезилиб қолади. Шоир болаларга тушунарли, ёқадиган қилиб фикрини айтиш учун фольклорни кўмакка чақиради. Аналитик фольклоризмни юзага келтиради, яъни шеърида фольклор намуналаридан парча келтиради:

Бор экан-да, йўқ экан,

Оч экан-у тўқ экан.

Бўри баковул экан,

Тулки ясовул экан (3.13.).

Шоир шу тахлит эртак зачинидан фойдаланишда давом этади. Зачин сажъ кўмагида битилгани сабаб шеърга айланади. Шеър ритми шу асосда юзага келади. Ғафур Гулом эртакнинг анъанавий кириш қисмидан саккиз сатр ҳосил қилгач, болаларга эртак айтмоқчи эмаслигини таъкидлайди. Гарчи "эртакнинг ярим ёлгон, ярим чини билан сизни юпатиб ўтирумайман" деса-да, аслида болаларга ўта таниш оҳанглардан фойдаланиб, уларнинг руҳиятига йўл топишни мўлжаллайди, фольклор кўмагида энг зарур фикрларини болалар онгига сингдиради:

Кўклам келди, ёз келар,

Қаламу қофоз келар.

Табиатнинг қонуни

Ўз вақтида соз келар.

Эрта-индин имтиҳон,

Ҳай Саодат, Аҳмаджон,

Синфда сиз бормисиз?

Синовга тайёрмисиз? [3.13.]

Диёр болалари аъло ўқиса, Ватан келажагини гўзал қилиши мумкинлигини англаган шоир болалар фольклорига мансуб ҳукмлагич оҳангини – ритмини стилизация қиласи, айни дамда, ҳукмлагичнинг "Лайлак келди – ёз бўлди, Қаноти қофоз бўлди" сатрларидаги айрим сўзларни сақлаб, ўз мақсадига маҳорат билан мослайди. Навбатдаги сатрларда болалар фольклорига дахлдор санамадан фойдаланар экан, аналитик ва ритм стилизациясини юзага келтиради:

Бир, икки, ўн олти,

Ўн олти деб ким айтди?

Ўн олти деб айтгунча,

Имтиҳон вақти етди.

Сиз яхши болаларсиз,
Кирдаги лолаларсиз.
Аммо анча фанлардан
Кўзлари олаларсиз [3.13.].

Халқ педагогикасини чуқур билган шоир болаларни рағбатлантириб туриб, уларнинг камчиликларини ҳам ўзига хос тарзда айта олган. Ғафур Ғулом географияни ўқиш керак, картани билиш керак демоқда-ю, аслида қобигига ўралиб қолаётган ўзбекнинг болаларига дунё кенгликларига чиқиши лозимлигини уқтириб, танбех бермоқда:

Географияни
Яхши билмас Аҳмаджон.
Ер куррасин соққача
Кўзга илмас Аҳмаджон.
Бирор ундан картада
Сўрса Аму нахрини,
Ўсиқ тирноғи билан
Туртади Рим шахрини [3.13-14.].

Сатрларда қанчайин маъно яширин-а! Аҳмаджон Римни кўрсата олади, аммо ўз Амударёсини кўрсата олмайди. Аслида Амумиз акс этган карта синфларда бормикан, болаларимизга дунё географияси билан бирга ўз географиямиз ўтилганмикан? Боз устига Аҳмаджон "ўсиқ тирноғи билан" дарсга борган. Бу сатрларда фақат болаларга танбех берилмаган, балки оналарнинг фарзандларига эътибор бера олмаётганига ишора ҳам бор, бизнингча.

Кўклам ўтиб ёз келар,
Бугун-эрта имтиҳон.
Сиз совет болалари,
Сиз билан обод замон.
Энг улуғ асримизга
Сиз бўласиз жонажон.
Сизга Ватан мунтазир,
Сизга мунтазир жаҳон [3.14.].

"Совет" сўзи олиб қўйилса, шеър бугуннинг шеъри. Айни дамда, ҳар бир шоир ўз даврининг фуқароси эканлиги табиий ҳолдир. Аммо мутафаккир шоир халқи мутелигини анлаган. Шоир сифатида ҳамиша ҳам ҳақни ёза олмаганини билган. Шеър якунида Ғафур Ғуломнинг армонлари ифодаланган. У ўзининг давр имтиҳонларидан ўтишини анлагани учун ижодига танқидий ёндашади: "Бешга топширмоқчийдим, Тиришмадим, уч бўлди", – деб ўқинади. Шоир замонасозлик қилишга мажбур бўлган ўринларини ўзи англайди, аммо шундай

қилмаса, халққа, болаларга асосий гапларини айта олмаслигини ҳам билади. Донишманд шоир Ғафур Гулом руҳидаги тушкунлик оний. У доимо кўтаринки кайфиятда шеърлар битган, бу билан ёшларни руҳлантиришига ишонган. Ижодининг шу жиҳати сабаб "Адабиёт муаллим"идан "беш" олишига умид қилган. Дарҳақиқат, шоир даврлар имтихонидан "беш" ола билди. Унинг аксарият шеърлари, давр билан боғлиқ айрим сўзларни инобатга олмаганда, бугун билан ҳамоҳанг:

Биласан пахтанинг юртимиз учун
Олтин гавҳарлардан чўнграк қийматин.
Кўрсатгил ўқиган билиминг кучин,
Бизнинг техниканинг ғолиб қудратин (3.17.).

Шоирнинг ҳар бир шеъри ўзбек томонидан ёзилганини исботлаб туради. Ҳар бир шеърида умуминсоний ғоя миллий либосда бериладики, бу Ғафур Гулом услубининг ўзига хос жиҳатларидан биридир:

Майсалар белларга уриб ётибди,
Кўкламнинг навқирон йигитлик чофи.
Кечки беҳилар ҳам куртак отибди,
Ҳаётга тўлиқдир олам қучоғи (3.16.).

Шоир Ўзбекистон табиатини кўз ўнгингизда гавдалантира олди, аммо майсанинг белларга етар даражада кўкариши, кечки беҳининг куртак отиши чигит экиш жараёни охирлаганини англатади. Асл дехқон чигит экишни якунламоқда. Битта-иккита орқага қолганларни уялтириш, руҳлантириш учун ёзилган бу шеър.

Ғафур Гуломнинг ҳар бир шеъри Ўзбекистон гўзаллигини, унинг жамолини кўз-кўз қилади, халқимиз руҳиятини ифодалайди:

Бўтакўздек тонг жамолин ишқивозиман,
Райхон, кашнич ҳидларига тўймайман ҳануз.
Сибизғаман, сибизғанинг ё овозиман,
Тўрғай каби тонг куйини қўймайман ҳануз (3.174.).

Табиатимизни тараннум этган ҳар бир шеъри бағрида шоирнинг улуғ бир истаги, икрори, эътирофи яширин. Айтайлик, юқоридаги сатрлар билан бошланган "Май саломи" шеърида шоир қардошларига салом йўлларкан, "Куйга солиб айтай десам ўз қўбузим бор" дея ғуур билан таъкидлайди. Шу таъкид билан шеърга нуқта қўяди. Ўша давр шоирининг бундай ғуурланиши учун жасорат керак эди. Ҳа, Ғафур Гулом ўз даврининг ўта эҳтиёткор, айни дамда, ўта жасоратли шоири эди.

Шоир шеърларини ўқиб, Ўзбекистоннинг гўзал табиатига ошиқ бўлган, уни ўзбекона таърифлар билан дунёга кўз-кўз қила олган шоирлар орасида Ғафур

Ғуломга етари йўқлигига иқрор бўласиз. Шоирнинг табиатга ошиқлиги, юртига мухаббати шеърхонга юқади-кўяди: қалби энтиқади, руҳи яйрайди. Юртимиз табиати кўмагида пейзажнинг гўзал намуналарини яратар экан, шу йўл билан хам шеърдаги миллий руҳни кучайтиради, сатрлардаги халқчилликни оширади. Ҳар бир мисрада ўзбекона манзаранинг жо бўлиши Ғафур Гуломнинг поэтик маҳоратига хосдир:

Ўсма қўйди қўклам уфқ қошига,
Майса унди ўру қир ёнбошига,
Лайлак қўнди тўмтоқ толнинг бошига,
Ялпиз терди Қумри гўжа ошига,
Баҳор тўйи, меҳнат тўйи бошланди (3.165.).

“Сен саломат бўлсанг бас” шеърида шоир “болаларимнинг кўзи – кўнглимнинг чароғи” деб эътироф этар экан, уларнинг “биринчи атак-чечак ўз ери, ўз қадами” лигини таъкидлай олган. Ғафур Гуломнинг синчков, мусаввирона назари сабаб юзага келган бетакрор яратиққа дикқат қилинг: “Олхўри товон билан тупрокқа соларкан из”. Бундай топилма шеърхон хотирасида бир умрга қолиши рост. Шоир “Болаларим, юзга кириңглар” деб ўтирумайди. Халқ олқишини шоирона тарзда қўллайдики, бу Ғафур Гуломнинг фольклорга муносабати ўзига хослигидан далолатдир:

Биринчи атак-чечак ўз ери, ўз қадами,
Олхўри товон билан тупрокқа соларкан из.
Алпанг-талпанг тўлғониб йиқила турган дами,
Юз йиллик баҳт йўлининг бошланиши бу сўзсиз (3.142.).

Дикқат қилмасангиз “Юзга кир” халқ олқишини бу сатрлар бағридан тополмайсиз. Шоир “ўз ерида ўз қадами”ни илк бор юриб, “алпанг-талпанг тўлғониб” йиқилган ва ўша заҳоти қаддини ростлаган болажоннинг ўша дами “юз йиллик баҳтли умрининг бошланиши” деб ишонч билан ёзади. Бу ишонч чин шеърхоннинг қаддини тоғ қилган ўша йиллар... Бундай ишончни элга бера билган шоир, академик Ғафур Гулом ўлмас асарлар муаллифи сифатида, давр билан боғлиқ турли мулоҳазалар қилинишидан қатъий назар, адабиётимизда мутафаккир шоир, етук носир аталиб, ўзининг муносиб ўрнига эга.